



CRIMINALISTIC ASPECTS OF INVESTIGATING CRIMES RELATED TO PUBLIC PROCUREMENT

Islom Mamatov

Master's student

Academy of Law Enforcement

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: islommamatov069@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: Public procurement, procurement procedures, restriction of competition, violation of the law, crime, administrative liability, embezzlement or misappropriation of budgetary and extra-budgetary funds.

Received: 28.02.25

Accepted: 02.03.25

Published: 04.03.25

Abstract: The article discusses the concept and classification of public procurement, the main forensic methods used to detect and investigate crimes in the field of public procurement, including evidence collection, expertise, and legal analysis, as well as the use of modern information technologies to identify, prevent, and monitor crimes related to public procurement. It also focuses on strengthening systems for these purposes and the foreign approach. Additionally, the article presents proposals for solving problems that arise during the investigation of these crimes.

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ЖИХАТЛАРИ

Ислом Маматов

Магистратура талабаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: islommamatov069@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Давлат харидлари, харид қилиш тартиб-таомиллари, рақобатни чеклаш, ҳуқуқбузарлик, жиноят, маъмурий жавобгарлик, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни растрата ёки ўзлаштириш орқали талон-торож қилиш.

Аннотация: Мақолада давлат харидлари тушунчаси ва таснифи, давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда қўлланиладиган асосий криминалистик усуллар, жумладан далилларни тўплаш, экспертиза ва ҳуқуқий таҳлиллар, замонавий ахборот технологияларидан

фойдаланган ҳолда содир этилган давлат харидлари билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва мониторинг қилиш тизимларини кучайтириш ҳамда хорижий ёндашув. Шунингдек мазкур жиноятларни тергов қилишда юзага келган муаммолар ва улар бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАССЛЕДОВАНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С ГОСУДАРСТВЕННЫМИ ЗАКУПКАМИ

Ислам Маматов

студент магистратуры

Академия правоохранительных органов

Ташкент, Узбекистан

E-mail: islommamatov069@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Государственные закупки, процедуры закупок, ограничение конкуренции, правонарушение, преступление, административная ответственность, хищение путем растраты или присвоения бюджетных и внебюджетных средств.

Аннотация: В статье рассматриваются понятие и классификация государственных закупок, основные криминалистические методы, используемые для выявления и расследования преступлений в сфере государственных закупок, включая сбор доказательств, экспертизу и правовой анализ, использование современных информационных технологий для выявления, предотвращения и мониторинга преступлений, связанных с государственными закупками, а также усиление систем по этим направлениям и зарубежный подход. Кроме того, в статье разработаны предложения по решению проблем, возникающих при расследовании этих преступлений.

Бугунги кунда давлат харидлари соҳаси мамлакат иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Давлат харидлари орқали бюджет маблағларининг катта қисми сарфланиши, бу соҳада содир этилаётган жиноятларнинг профилактикаси ва тергов қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда давлат харидлари соҳасида аниқланаётган жиноятлар сони кундан кунга ортиб бормоқда. Бу эса ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишнинг самарали усул ва воситаларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Шу ўринда, “давлат харидлари” тушунчаси мазмунини очиқламасдан туриб масалага яқиндан ёндашиш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 3-моддасида мазкур тушунча мазмунини қуйидагича ёритган: **давлат хариди** – бу бюджет

tizими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харидларидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига асосан **давлат хариди** деганда товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш тушунилади.

Давлат харидлари тушунчасининг мазмун-моҳиятига хорижий давлатлар олимларининг турлича фикр-мулоҳазалари ва қарашлари мавжуд бўлиб, унга кўра В.Е.Белов давлат харидига иқтисодий категория сифатида қараб, унга давлатнинг у ёки бу товарга бўлган конкретлашган (миқдорий ва сифат кўрсаткичлари белгиланган ҳолдаги) эҳтиёжи деб фикр берган бўлса, Т.Ф.Рябова бошчилигидаги муаллифлик жамоаси эса меҳнат предметлари ва воситаларини харид қилиш, фуқаролик қурилиш дастурларини реализация қилиш ҳамда давлат корхоналарига капитал қўйилмаларни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган давлат эҳтиёжининг бир шакли деган мазмунда ўз ёндашувларини билдириб ўтган.

Ёхуд, И.И.Смотрицкая, О.А.Скутелник ва В.В.Илюхинлар томонидан давлат хариди учун товар, иш ва хизматларни харид қилишнинг, яъни давлат буюртмасини амалга оширишнинг сўнгги яқунловчи босқичи сифатида қаралган бўлса, А.Б.Барихин харидни мамлакат ташқариси ёки ичкарасидан товарларни йирик ҳажмда сотиб олиш, давлат органлари томонидан қилинадиган харид эса давлат хариди ҳисобланишини, А.В.Пикулик давлат хариди мазмунини кенгроқ ёритиш мақсадида, давлат хариди таркибига давлат эҳтиёжлари учун давлат маблағлари ҳисобидан товар, иш ва хизматларни харид қилиш жараёнини ҳам киритиб ўтган.

Айрим олимлар давлат хариди ва давлат буюртмачиси терминларини айнан бир хил маъноларни англатиши ҳақида ўз фикрларини билдирсалар, баъзи олимлар эса ушбу икки терминни алоҳида-алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Хусусан, Р.А.Набиев ва Р.К. Арықбоевлар давлат буюртмаси асосан давлат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлашда вужудга келадиган эҳтиёжларни, давлат харидини эса давлатнинг бошқа эҳтиёжлари деб ҳисоблаганлар.

Қайд этиш керакки, давлат харидларининг вазифалари давлат бошқаруви фаолияти учун зарур товар, хизмат ва ишлар билан ўз вақтида, керакли миқдорда ва турда, сифатда ва нархда таъминлашдан ташқари рақобатни ривожлантириш учун давлат харидларига кўпроқ тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундашдан иборатдир.

Ҳукумат ўз вазифаларини бажариш учун товарлар, хизматлар ва ишлар харид қилиши

керак. Ушбу давлат фаолияти “**давлат харидлари**” (ёки ҳукумат харидлари, ҳукумат шартномалари ёки давлат шартномалари) деб номланади.

Масалан, иш (офис) қоғозлари, ахборот технологиялари (ИТ) ускуналари ёки тиббий асбоб-ускуналарни сотиб олиш, соғлиқни сақлаш ёки консалтинг хизматлари кўрсатиш, йўл ёки аэропорт терминали қуриш каби фаолиятлар давлат маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Бу жараёнда асосий жиҳат шундаки, давлат харидларини амалга ошираётган орган ўз маблағларини эмас, балки солиқ тўловчилар маблағларини сарфлайди. Шунинг учун давлатлар товарлар, хизматлар ва ишлар сотиб олиш ва харид қилишда энг яхши нарх-самарадорлик тамойилига амал қилишлари шарт.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар ўзининг мураккаб тузилиши, усул ва воситаларининг хилма-хиллиги, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилиши билан бошқа турдаги жиноятлардан мутлақо фарқ қилади. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларидан нафақат юридик, балки иқтисодий ва техник билимларга эга бўлишни ҳам талаб этади.

Бироқ, бу турдаги жиноятларни тергов қилишда бир қатор ўзига хос муаммо ва қийинчиликлар, жумладан далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳам юзага келмоқда.

Таъкидлаш керакки, давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдаги муаммолар, шунингдек бу соҳадаги жиноятлар айнан давлат харидларини амалга оширишдаги коррупцион ҳолатларга йўл қўйиш билан боғлиқ.

Бизга маълумки, ушбу муносабат иштирокчилари – **буюртмачи, етказиб берувчи ва ташкилотчилар**нинг суиистеъмолликларга йўл қўяётганлиги, белгиланган сифатдан паст ёки келишилган баҳога мос келмайдиган товарлар етказиб бериш, давлат харидлари бўйича зиммасига олинган мажбуриятни ўз вақтида бажармаслик ёки умуман бажармаслик ҳолатлари ҳисобланади.

Шунингдек, давлат харидларини ҳуқуқий тартибга солишда унинг тартиб-таомиллари, яъни тўғридан-тўғри савдолар, электрон савдолар, электрон каталоглар, тендер савдолари, қурилиш соҳасидаги давлат харидлари, яшил харидларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, уларни амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳуқуқий тартибга солишда улар ўртасидаги ички зиддиятларни бартараф этиш ҳам бугунги кун нуқтаи назардан долзарбдир.

Шу билан бирга, давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш жараёнида уларнинг криминалистик тавсифи ҳам мураккаб тузилишга эга бўлиб, бир қатор ўзига хос хусусиятларни ўз ичига олади. Бу турдаги жиноятлар асосан бир гуруҳ шахслар томонидан,

олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан пухта режалаштирилган ҳолда содир этилади ва кўп ҳолларда коррупция билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Шу боисдан ҳам криминалистик тавсифнинг муҳим элементларидан бири жиноят содир этишдаги усуллар ҳисобланади. Бугунги кунда давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар қуйидаги усуллар орқали содир этилиши кузатилмоқда.

Жумладан, тендер ҳужжатларини қалбакилаштириш, нархларни сунъий равишда ошириш, сифатсиз товарларни етказиб бериш, “сохта” компаниялар орқали давлат харидларида иштирок этиш, тендер талабгорлари (иштирокчилари) ўртасида ўзаро жиноий тил бириктириш, манфаатдор шахслар билан олдиндан келишув асосида ҳаракат қилиш.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.04.2021 йилдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли Қарорига асосан энг яхши таклифни танлаш бўйича Сирдарё вилояти Оқолтин тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги 4-сонли умумий ўрта таълим мактаби биноси атрофини темир панжара билан ўраш ва 2 (икки) дона темир дарвоза ўрнатиш белгиланган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 17.09.2021 йилдаги “Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиботларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-579-сонли Қарорининг 39-бандида белгиланган шаҳарсозлик ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисидаги ижобий хулоса шаҳарсозлик ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлаш, объектни қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтказиш, тендер (танлов) ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштиришни амалга ошириш учун асос бўлиши ҳақидаги талабларга зид равишда, 15.07.2022 йилда ўтказилиши режалаштирилган харид комиссиясига сохта маълумотларни киритиб, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” давлат унитар корхонаси Сирдарё вилоят филиали томонидан экспертизадан ўтказилмаган ва рўйхатга олинмаган 17.05.2022 йилдаги 177-04-BL.22-сонли экспертиза хулосасини тақдим этиш орқали “Lm Imperial Torg” масъулияти чекланган жамияти 98,96 балл билан танлов ғолиби деб топилиб, жами 278,4 млн. сўм маблағ эвазига 4-сонли умумий ўрта таълим мактаби биноси атрофини темир панжара билан ўраш ва 2 (икки) дона темир дарвоза ўрнатиш ҳуқуқини қўлга киритган.

Бу ҳолатда туман халқ таълими бўлимининг давлат харидлари танлов комиссияси раиси ва аъзолари қонун талаблари ва зиммаларига юкланган лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб, тендер талабгорлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида малакали эксперт ёки мутахассисларни жалб қилган ҳолда текшириш ишларини ўтказмасдан, жиноий йўл орқали танлов ғолиблигини аниқлашда қайд этилган жиноят таркиби мавжуд

бўлганлиги сабабли, Боёвут тумани прокуратураси томонидан 21.06.2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан жиноят иши кўзғатилган ва дастлабки терговни олиб бориш учун терговга тегишлигига кўра Боёвут тумани ИИБ хузуридаги Тергов гуруҳига юборилган.

Аммо, 11.09.2023 йилда туман ИИБ хузуридаги Тергов гуруҳи томонидан жиноят иши бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахслар доираси аниқланмаганлиги боис, жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 364-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан тўхтатилган.

Ваҳоланки, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасида, харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қилиши, у харид комиссияси мажлисларини чақириши ва олиб бориши, овозга қўйишни ва харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилиши, шунингдек харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолаши, харид комиссияси раиси йўқлигида унинг вазифаларини ўринбосари бажариши, харид комиссияси тўғри шакллантирилиши учун давлат буюртмачиси масъул эканлиги белгиланган бўлсада, тергов органи томонидан туман халқ таълими бўлими бошлиғи – харид комиссияси раиси ва аъзолари ҳамда тендер талабгорларининг хатти-ҳаракатларига юқорида келтирилган қонун талабларидан келиб чиқиб, қонуний бир тўхтамга келинмасдан, жиноят иши кўр-кўрона тўхтатилишига сабаб бўлган.

Бундан ташқари, давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни содир этиш механизмида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш алоҳида ўрин тутди.

Бугунги кунда, электрон тизимлар орқали амалга ошириладиган давлат харидларида махсус дастурий таъминотларни ноқонуний қўллаш, тизимдаги заифликлардан фойдаланиш, кибер хужумлар уюштириш каби ҳолатлар кузатилмоқда.

Давлат харидлари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда, жиноят субъектлари сифатида **бюджет буюртмачилари** ва **корпоратив буюртмачилар** кўрсатилган.

Ҳар қандай давлатнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигига хавф соладиган давлат харидлари соҳасидаги ижтимоий хавфли қилмишлар алоҳида жиноят таркиби сифатида белгиланмаган бўлсада, унинг юридик таҳлилини амалга ошириш орқали комплекс тарзда давлат харидлари соҳасида содир этиладиган жиноятлар хусусида аниқ тасаввурга келиш мумкин.

Ҳар қандай жиноятни юридик таҳлил қилиш жиноят таркибини, яъни жиноятнинг объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилишни англатади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат хариди давлат бюджетининг харажатлар қисмида катта салмоқни эгаллайди, шу билан бирга у

иқтисодийтни бошқаришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёдаги кўплаб мамлакатлар сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат хариди тизимини ислоҳ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳукумат томонидан харид жараёнларининг очиқ-ойдинлиги, шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида электрон савдо жараёнларидан фойдаланиш, давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш орқали савдоларда рақобатни кучайтириш бўйича қатор тадбирлар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Бироқ, мазкур шароитда давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишлар доирасини аниқлаш ҳамда уларга қарши курашишда жиноят содир этган шахс, яъни жиноят субъектининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқ этилаётган жиноятлар субъекти махсус субъект бўлиб, у субъект сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Жиноятнинг махсус субъекти субъектнинг умумий белгилари бўлган ақли расолик, муайян ёшга тўлганликдан ташқари Ўзбекистон Республикаси

Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида кўрсатилган кўшимча специфик белгиларга ҳам эга бўлиши шарт.

Жиноятнинг субъектив белгилари – бу жиноятнинг субъекти ва субъектив томонини камраб олувчи тушунча бўлиб, бунда жиноят содир этган шахс – субъект марказий ўринда туради. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят таркибий элементлари ичида жиноят субъекти марказий ўрин тутиб, қилмишни содир этиш пайтида жиноят қонунида назарда тутилган муайян ёшга тўлган, ақли расо, жисмоний шахс жиноят субъекти сифатида эътироф этилади. Жиноят субъектига оид дастлабки қарашлар ва у ҳақидаги концепция И. Кант, Г. Гегель, А. Фейербах, И. Фихте ва бошқа файласуфларнинг жиноят-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишга қаратилган асарларида учрайди. Бундай қараш тарафдорлари жиноят инсон иродасига боғлиқ равишда содир этилишини ва айбиликнинг ҳуқуқий оқибати жазо тайинлашда намоён бўлишини таъкидлашади.

Г.Гегел ўз жиноят-ҳуқуқий назариясига кўра жиноят субъекти ҳақида фикр юритар экан, жиноятчи шахс нафақат давлатнинг жазолаш объекти, балки, жинояти учун жазоланиши лозим бўлган жиноят ҳуқуқи субъекти, деб тушунтиради. У ўзининг “Ҳуқуқ фалсафаси” асарида шахсда ирода ва тафаккурнинг мавжудлигини ақли расолик эканлиги билан изоҳлайди.

Бунда жиноят содир этган шахс жинойий қилмиши аҳамиятини англаш ва хоҳлаш қобилятига эга субъект сифатида майдонга чиқади. И.Кант фалсафасига асосланган А.Фейербах ўзининг машҳур Жиноят ҳуқуқи дарслигида жиноят таркиби, хусусан, жиноят субъекти, жинойий жавобгарлик жиноят учун жазо ва иштирокчилик институтларини ишлаб

чикди. Кейинчалик унинг қарашлари А.Ф.Кистяковский, В.Д.Спасович, Н.С.Таганцев ва бошқа рус олимлари асарларида давом эттирилди. Жиноят ҳуқуқининг классик мактаби вакили Н.С.Таганцев, фақатгина жиноят содир этилишида айбдор бўлган жисмоний шахсина жиноят субъекти бўлишини таъкидлаган. Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигида давлат харидлари соҳасида юз берадиган жиноятлар сифатида 167-модда (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 168-модда (фирибгарлик), 171-модда (жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш), 175-модда (Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш), 178-модда (чет эл валютасини яшириш), 184¹-модда (бюджет ва смета-штат интизомини бузиш), 205-модда (ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш), 209-модда (мансаб сохтакорлиги), 210-модда (пора олиш), 211-модда (пора бериш), 212-модда (пора олиш-беришда воситачилик қилиш), 213-модда (давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), 214-модда (давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши), 243-модда (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш)ларда назарда тутилган жиноятларни кўрсатиш мумкин.

Бинобарин, давлат харидлари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш жараёнида жиноят изларининг ўзига хослиги шундаки, улар асосан ҳужжатларда, рақамли далил ва электрон маълумотлар базаларида, тижорат банклари ҳисоб варақларида, молиявий операцияларда акс этади.

Шу боис, бу турдаги жиноятларни тергов қилишда ҳужжатли текширув, тафтиш, экспертиза каби тергов ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни аниқлаш жараёни бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчидан, бу турдаги жиноятлар юқори латентликка эга бўлиб, уларни аниқлаш учун махсус билим, тажриба ва кўникмалар талаб этилади.

Иккинчидан, мазкур жиноятларни аниқлаш жараёнида турли ташкилот, корхона, муассаса ва идоралар, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, молия назорати органлари, аудиторлик ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур.

Жиноятларни аниқлашнинг асосий манбалари эса қўйидагилар ҳисобланади.

Булар назорат органларининг текширув материаллари, аудиторлик текширувлари натижалари, фуқароларнинг мурожаатлари, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материаллар, тезкор-қидирув фаолияти натижалари ҳисобланади.

Зеро, бугунги кунда давлат харидлари билан боғлиқ жиноятларни аниқлашда

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, электрон маълумотлар базаларини таҳлил қилиш, молиявий операцияларни мониторинг қилиш каби усуллар самарали натижа бермоқда.

Шу билан бирга, дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси давлат харидлари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда тергов ҳаракатларининг тўғри ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Дастлабки тергов ҳаракатлари жиноят ҳолатига қараб турлича бўлиши мумкин, бироқ қуйидаги асосий тергов ҳаракатлари албатта ўтказилиши лозим бўлади.

Хусусан, ҳужжатларни олиб қўйиш ва кўздан кечириш тергов ҳаракати давлат харидлари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда алоҳида ўрин тутади. Бунда қуйидаги ҳужжатлар, яъни тендер ҳужжатлари, шартномалар ва уларга илова қилинган ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари, банк ҳужжатлари, товар-транспорт ҳужжатлари, электрон ҳужжатлар ва ёзишмалар ўрганилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, гувоҳларни сўроқ қилиш тактикаси ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, сўроқ қилиниши лозим бўлган шахслар доираси қуйидагиларни ўз ичига олади. Яъни, давлат буюртмачиси вакиллари, тендер комиссияси аъзолари, тендер иштирокчилари, молия-бухгалтерия ходимлари, назорат органлари ходимлари ва банк ходимлари.

Бундан ташқари, бу турдаги жиноятларни тез ва тўла фош этиш учун тергов эксперименти ва экспертизаларни ўтказиш алоҳида эътибор талаб этиб, одатда суд-бухгалтерия, суд-иқтисодий экспертиза, ҳужжатлар техник-криминалистик экспертизаси, компьютер-техник, товаршунослик туридаги экспертизалар тайинланади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимизда давлат харидлари соҳасида бир қатор янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётган бўлишига қарамасдан, давлат харидлари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш жараёнида қуйидаги типик муаммолар ҳам юзага келмоқда.

1. Далилларни йўқ қилиш ёки сохталаштириш ҳолатлари.

Бу муаммони ҳал этиш учун дастлабки тергов ҳаракатларини тезкор ва пухта режалаштириш, зарур ҳолларда бир вақтнинг ўзида бир неча манзилларда тинтув ўтказиш тавсия этилади.

2. Гувоҳлар ва шубҳаланувчиларнинг кўрсатув беришдан бош тортиши ёки ёлғон кўрсатув бериши. Бунинг олдини олиш учун сўроқ қилиш тактикасини тўғри танлаш, далиллар базасини мустаҳкамлаш, тезкор-қидирув тадбирларини самарали ташкил этиш лозим.

3. Тергов ҳаракатларини ўтказиш учун махсус билим ва тажриба етишмаслиги.

Бу муаммони ҳал этиш учун соҳага иқтидорли, малакали ва тажрибали мутахассисларни жалб этиш, терговчиларнинг малакасини мунтазам равишда ошириш, идоралараро ҳамкорликни кучайтириш зарур ҳисобланади.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, давлат харидлари билан боғлиқ жиноятларни шартли тергов қилиш учун қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Тергов режасини тузишда барча эҳтимолий версияларни инobatга олиш ва ҳар бир версия бўйича текшириш тадбирларини белгилаш;
- Тезкор-қидирув фаолияти ва тергов ҳаракатларини ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда олиб бориш;
- Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда далилларни тўплаш ва таҳлил қилиш;
- Экспертиза ва мутахассислар хулосаларидан самарали фойдаланиш.

Давлат харидлари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик жиҳатларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди, яъни:

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар ўзининг мураккаб тузилиши, содир этиш усулларининг хилма-хиллиги, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилиши билан ажралиб туради. Бу эса ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишда махсус ёндашувни талаб этади.

Тергов амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу турдаги жиноятларни тергов қилиш жараёнида коррупция ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлашдаги қийинчиликлар, давлат харидлари жараёнидаги мураккаблик ва ҳужжатларнинг катта ҳажмдалиги, рақамли далилларни йиғиш ва мустаҳкамлашдаги қийинчиликлар, тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд.

Давлат харидлари билан боғлиқ жиноятларни шартли тергов қилиш учун терговчиларнинг нафақат юридик, балки иқтисодий ва техник билимларга эга бўлиши, шунингдек, замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлиши талаб этилади.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тақлифлар ишлаб чиқилди:

- Терговчиларни рақамли далиллар билан ишлаш бўйича махсус ўқитиш ва уларни замонавий технологиялар билан таъминлаш;
- Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳужжатларни автоматлаштирилган тарзда таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш воситаларини жорий этиш;

- Давлат харидлари жараёнида шаффофликни амалга ошириш ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича қатъий қоидаларни жорий этиш;
- Давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш бўйича махсус услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- Терговчиларнинг давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш бўйича малакасини мунтазам равишда ошириш учун махсус ўқув курслари ташкил этиш;
- Тергов органлари, молия назорати органлари ва аудиторлик ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш механизмларини такомиллаштириш;
- Давлат харидлари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш жараёнида экспертиза ва мутахассислар хулосаларидан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш зарур.

Фикримизча, юқорида қайд этилган таклифларнинг амалиётга жорий этилиши давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш самарадорлигини ошириш, бу турдаги жиноятларга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни. 2021 йил 22 апрель, ЎРҚ-684-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. – Тошкент: Адолат, 2022.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент: Адолат, 2022.
4. Каримов В.А. Иқтисодий жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик жиҳатлари. Монография. – Тошкент: ТДЮУ, 2023. – 245 б.
5. Алимова Н.Б. Давлат харидлари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш муаммолари // Ҳуқуқ ва бурч. – 2023. – №3. – Б. 45-48.
6. Рустамов М.М. Давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш методикаси // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – 2024. – №1. – Б. 112-118.
7. Салимов Б.Л. Коррупцияга қарши курашиш: назария ва амалиёт. – Тошкент: Адолат, 2023. – 320 б.
8. Тургунов А.А. Иқтисодий жиноятларни тергов қилишда экспертизалардан фойдаланиш // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2023. – №4. – Б. 78-83.
9. Холматов А.Р. Давлат харидлари соҳасидаги жиноятларнинг криминалистик тавсифи // Ҳуқуқшунослик масалалари. – 2024. – №2. – Б. 89-94.
10. Юлдашев О.Х. Иқтисодий жиноятларни тергов қилишнинг процессуал жиҳатлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮУ, 2023. – 180 б.
11. Ҳамидов Б.Н. Давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни аниқлаш

ва тергов қилиш амалиёти // Қонун ҳимоясида. – 2023. – №6. – Б. 34-37.

12. Қодиров Э.О. Иқтисодий жиноятларни тергов қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш // Инновацион технологиялар. – 2024. – №1. – Б. 156-160.

13. Павлов В.Г. Субъект преступления в уголовном праве (историко-правовое исследование). – М., 2009. – С. 6. (Pavlov V.G. The subject of a crime in criminal law (historical and legal research). - М., 2009. - P. 6)

14. Пионтковский А.А. Уголовно-правовые воззрения Канта, А. Фейербаха и И. Фихте. – М., 2003. – С. 64. (Piontkovsky A.A. Criminal legal views of Kant, A. Feuerbach and I. Fichte. - М., 2003. - P. 64).

15. Кант И. Сочинения в шести томах. – Т. 4. – Ч. 2. – М., 1965. – С. 120, 132, 137. (Kant I. Works in six volumes. - Т. 4. - Part 2. - М., 1965. - P. 120, 132, 137).

16. Павлов В.Г. Субъект преступления в уголовном праве (историко-правовое исследование). – М., 2009. – С. 7. (Pavlov V.G. The subject of a crime in criminal law (historical and legal research). - М., 2009. - P. 7).

17. Гегель Г. Ҳуқуқ фалсафаси. – М., 2007. – Б.89-165. (Gegel G. Philosophy of law. - М., 2007. - P.89-165).

18. Павлов В.Г. Субъект преступления в уголовном праве (историко-правовое исследование). – М., 2000. – С. 8. (Pavlov V.G. The subject of a crime in criminal law (historical and legal research). - М., 2000. - P. 8).

19. Таганцев Н.С. Русское уголовное право. Общая часть. – Т. 1. – М., 2004. – С. 144–145. (Tagantsev N.S. Russian criminal law. A common part. - Т. 1. - М., 2004. - P. 144-145).

20. Н.Имомов, М.Курбанов. Давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг айрим жиҳатлари. Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили, ТДЮУ. 2018 йил. №2. Б.29. https://tsul.uz/files/pdf/uzb_qonunchiligi_tahlili/2018_2.pdf.